O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БУГУН ЮРТИМИЗДА ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСГА ЭГА БЎЛГАН ИШОНЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНДИ ВА У АМАЛДА ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2007-yil ● 3-aprel ● Seshanba ● 41 (27.686) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ТОШКЕНТ – ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ МУҲИМ МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Мамлакатимизнинг Теҳрондаги элчихонасида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда Эроннинг расмий, ижтимоий-сиёсий, академик доиралари, Теҳронда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тақдимот иштирокчиларининг эътиборига ислом фани ва маданияти маркази сифатида эътироф этилган Ўзбекистон пойтахти тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди. Таъкидландики, айни пайтда юртимиз пойтахтида Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Кўкалдош мадрасаси ҳамда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом университети фаолият юритмоқда. Мазкур таълим муассасалари илоҳиётшунос ва диншунослар, ислом ҳуқуқи ва манбашунослик, халқаро иқтисодиёт ва информатика соҳалари мутахассисларини тайёрлайди.

Юртбошимизнинг интервьюси билан танишиб чиққан учрашув иштирокчилари унда мамлакатимизда жамиятни маънавий ривожлантириш, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг барча муҳим жиҳатлари қамраб олинганини эътироф этди. Тақдимотда сўзга чиққан ISESCOнинг Эрондаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Али Иброҳимий Президент Ислом Каримовнинг интервьюсида Ўзбекистонда миллий мафкурани шакллантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли давлат сиёсати шарҳлаб берилганига диққат қаратди. ISESCO вакили давлатимиз раҳбари ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш масаласига катта аҳамият бераётганини юксак баҳолади. Али Иброҳимий Ўзбекистон ислом цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк илм-фан арбоблари, алломалар, файласуф ва олимларнинг ватани эканига урғу берди. Унинг фикрича, Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деган шарафли унвонга сазовор бўлгани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакат жамиятининг маънавий-маърифий асосларини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро эътирофи бўлди.

Эроннинг Россия, Марказий Осиё ва Кавказ муаммоларини ўрганиш бўйича институти директори ўринбосари Баҳром Амирахмадиён Тошкент тарихнинг турли даврларида минтақада ва, умуман, ислом дунёсида муҳим маданий, илмий ва сиёсий марказ ролини ўйнаганини қайд этди. Сўнгги 15 йил ичида минтақада кўплаб ўзгаришлар юз берганига қарамай, Тошкент ўзининг бу ердаги етакчи мавқеини сақлаб қолди. Эронлик олимнинг айтишича, Тошкент ислом фанлари тараққиёти ҳамда Марказий Осиёда диний хизматчилар ва раҳбарларга таълим беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Маданият институти директори доктор Муҳаммад Ражабийнинг қайд этишича, Тошкент Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани Эронда ва, умуман, мусулмон мамлакатларида ижобий қарши олинди.

М.Ражабий Ўзбекистон ва ислом дунёсининг шимолий минтақаси суфийлик ҳамда «Нақшбандия» ва «Яссавия» тариқатлари маркази бўлганини таъкидлади.

М.Ражабий Ўзбекистонда Самарқанд ва Бухоро каби бой маданий-тарихий меросга эга бўлган қатор қадимий шаҳарлар мавжудлигини таъкидлаб, улар ҳам келажакда ислом маданияти пойтахти, деган фахрий номга сазовор бўлишига умид билдирди.

Эрон маданий мероси ахборот агентлигининг (Cultural Heritage News Agency) интернетдаги сайтида «Тошкент — ислом дунёсининг энг муҳим маданий марказларидан бири» сарлавҳаси остида форс тилидаги мақола эълон қилинди. Унда ўқувчилар эътиборига Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси ҳамда Ўзбекистон элчихонасида ўтказилган тақдимот тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилган.

«Жаҳон» АА,
Теҳрон.

«Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!»

Қўшма корхона:

ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛСА, ПАРВОЗ ҲАМ БАЛАНД БЎЛАДИ

«Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси республикамиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда пластмасса, рангли шиша, чинни, сопол ва бошқа хомашёлардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ҳозир саккиз мингдан ошади. Корхона илгари хомашёни юз фоиз четдан келтирган бўлса, кейинги пайтда маҳаллийлаштириш дастурига кўра, унинг муайян қисми «Шўртангаз-кимё» мажмуи маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Тайёрланаётган уй-рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар, сувенирлар ва бошқа кўплаб халқ истеъмоли моллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидоргир. Қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган ирригация мажмуалари, чиқиндиларни механизациялашган тарзда олиб чиқиб кетиш имконини берувчи контейнерлар, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар солишга мўлжалланган идиш-товоқлар ҳамда пластик шланглар ўз сифати, қулайлиги, арзонлиги, санитария-гигиена ва экология талабларига тўла мослиги билан мижозларга маъқул бўлмоқда.

Замонавий техника ва асбоб-ускуналар, пластмассани қайта ишлаш ҳамда буюмларга шакл, безак бериш технологияларига эга корхонада стадион ва теннис кортлари учун ўриндиқлар, ҳар хил андазали катта-кичик стол-стуллар ҳам ана шундай бозори чаққон маҳсулотлардан саналади. Шунингдек, турли сунъий гул ва дарахтлар, чиннидан ишланган нафис ҳамда бежирим буюмлар киши эътиборини жалб этиши, шубҳасиз. Шунингдек, турли фирма, корхона ва ташкилотлар буюртмаси асосида ҳар хил ҳажмдаги полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Бу ерда меҳнат қилаётган олти юз нафарга яқин ишчи-хизматчи ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд. Уларнинг аксарияти — ёшлар. Маҳсулотларнинг 20 фоизи Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Корхона маҳсулотлари Европа, Америка ва Осиё мамлакатларида ўтказилган турли халқаро кўргазма ва танловларда бир неча бор фахрли диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланган. Кўплаб хорижий корхона ва савдо-сотиқ фирмалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Маҳсулотлар жойларда очилган савдо уйлари ва дўконлар орқали истеъмолчиларга изчил етказиб берилмоқда. Корхонанинг ўз савдо уйи ва савдо шохобчалари Тошкент, Самарқанд, Урганч шаҳарларидан ташқари Россия ва Қозоғистонда ҳам ишлаб турибди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида ўтган йили Фарғона шаҳрида махсус дўкон очилган бўлса, яқинда Қозоғистонда иккинчи савдо уйи фаолият бошлади.

Эътиборли жиҳатларидан яна бири — корхонада касаначиликни ривожлантириш йўлида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Жумладан, 60 нафарга яқин хотин-қиз уйда пластмасса гуллари йиғиш билан шуғулланади...

«Қанот жуфт бўлса, парвоз ҳам баланд бўлади,» — дегани шу-да!

Суратларда: *корхонанинг илғор ишчилари Марат Нуринбетов ва Албина Мухлисова; тайёр маҳсулотлардан намуна.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

❖ Фармон ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси кўриб чиқилди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Адлия вазири Ф.Отахонов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилиши учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, фуқароларнинг ўз саломатлигига эътиборини кучайтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг йўлга қўйиш, аёлларнинг яшаш ва меҳнат шароитини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш масалалари алоҳида эътиборда. Бу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ўтган йили жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ҳамда спорт тадбирларида иштирок этаётган хотин-қизлар сони 7,5 миллион нафарга етди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан ярим миллион кўп демакдир.

Уйда ўтирган аёлларни меҳнатга, фаол турмуш тарзига жалб этишда қўл келаётган касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланиш туфайли 262 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Бундай хайрли ишларни йўлга қўяётган, ўз ишлаб чиқариши билан элимиз равнақига ҳисса қўшаётган тадбиркор аёлларга тижорат банклари томонидан 49 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Йиғилишда Адлия вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Хотин-қизлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, оиланиқоҳ муносабатлари борасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бунда ФҲДЁ органлари ҳузурида ташкил этилган Оила доирилфунунлари, ёш оила мактаблари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

❖ ЎзХДП ҳаёти

МАҚСАД ВА МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Хатирчи туманида ўтказилган «Ўзбекистон ХДП электорати, унинг ижтимоий таркиби ва манфаатлари» мавзуидаги минтақавий семинарда барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари, партия фаоллари иштирок этди.

ХДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Абдукарим Ҳамроев ўз маърузасида «партия электорати манфаати ва унинг ижтимоий ҳимояси нафақат амалдаги йилнинг, балки ҳамиша биринчи галдаги вазифамиздир», дея таъкидлади. Нотиқ, шунингдек, партияга хайрихоҳлар, ХДПга умид ва ишонч билан аъзо бўлиб кирганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий диққат-эътиборда туриши лозимлигини уқтирди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Музаффар ШАРОПОВ

Хоразм вилояти партия кенгаши томонидан ўтказилган шу мавзудаги семинар ҳам қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров мавзу юзасидан маъруза қилиб, партия кенгашлари, депутатлик тузилмаларининг вазифалари хусусида тўхталди. Семинарда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори Эгамберган Каримов сўзга чиқди. Иштирокчилар партия электоратининг ижтимоий мониторингини амалга ошириш, депутатлар эътиборига уларни ҳавола этиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимини излаш каби масалалар ҳақида фикрлашдилар.

✧✧✧

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг шу мавзудаги семинарида Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов ва вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов маъруза қилдилар.

Шунингдек, Жиззах ва Фарғона вилоятлари кенгашларининг ҳам шу мавзудаги семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Уларда ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Парда Юлдашев, Фарғона вилоят партия кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали эксперти Анваржон Юлдашев маъруза қилдилар.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ОШКОРА МУЛОҚОТЛАР

Жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг касб танлаш ва таълим олишида адолатли ва мақбул, ҳамма учун тенг шарт-шароитлар яратиш, уларни ишсизликдан ишончли кафолатлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда. Жойларда касаначиликнинг йўлга қўйилаётгани айниқса, хотин-қизлар юмушини енгиллаштириши, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишда ижобий натижалар бермоқда. Биргина Бухородаги «Заркон» масъулияти чекланган жамиятда касаначи зардўзлар сони юз нафардан ошди. Бу йўналишда фаолият кўрсатаётганларнинг аксариятини ёш қиз-жувонлар ташкил этмоқда. Яқинда ЎзХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан мазкур корхонада ўтказилган жонли мулоқотда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари раислари, шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари талабалари иштирок этдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар ЎзХДП «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг бугунги кундаги фаолияти, ўз олдига қўйган вазифалари хусусида гапирдилар.

— Бугунги тадбир мен учун эсда қоларли бўлди, — деди яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси Зебинисо Муродова, — чунки, ЎзХДПга аъзо бўлдим. Очиғини айтсам, бу партиянинг Дастури менга жуда маъқул тушди. Бунинг устига сенинг манфаатларингни ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот бўлгани яхши-да.

— Ишчиларимиз айниқса, партиядошларимиз бугунги жонли мулоқотдан кўп тушунчага эга бўлдилар, — деди корхона бошланғич партия ташкилоти раиси Лола Ботирова. — Бугун улар нигоҳидан ўтмиш ва унинг сабоқлари, мустақиллик очган истиқбол, келажакка дахлдорлик ҳиссини сезиб олиш унчалик қийин эмас.

Ҳа, бугун боқиманда, ташаббуссиз кишиларга орамизда жой йўқлигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳар биримиз шижоатли, ҳаракатчан бўлибгина қолмай, балки ўз фикримиз, ҳаётий позициямизга эга бўлишимиз зарур. Бу масала партиямиз мафкурасидан ҳам алоҳида ўрин олган. Жонли мулоқотга якун ясаган вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева ана шуларни алоҳида таъкидлади.

Худди шундай учрашув Шофиркон туман марказий касалхонасида ҳам бўлиб ўтди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 3 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1016,67	1 Польша злотийси	432,66
1 Англия фунт стерлинги	2461,72	1 СДР	1889,44
1 Дания кронаси	224,33	1 Туркия лираси	900,09
1 БАА дирҳами	340,75	1 Швейцария франки	1029,40
1 АҚШ доллари	1251,13	1 ЕВРО	1670,88
1 Миср фунти	219,79	10 Жанубий Корея вони	13,33
1 Исландия кронаси	19,01	10 Япония иенаси	106,19
1 Канада доллари	1085,67	1 Россия рубли	48,10
1 Хитой юани	161,90	1 Украина гривнаси	247,75
1 Малайзия ринггити	362,38		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Мулоҳаза

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ

ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ БЎЛИШИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Бугунги дунё мафкуравий, ғоявий ахборот хуружлари майдонига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис юртдошларимизни, айниқса, ёшларимизни турли хил мафкуравий таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларда теварак-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳушёрлик ва дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, одамлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш айни пайтда энг долзарб вазифалар сирасига киради.

Ўтган йил август ойида мамлакатимиз Президенти «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» Қарор қабул қилганди. Мана, орадан ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Хўш, мазкур Қарор ижроси борасида жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда, тарғибот-ташвиқот тадбирлари нечоғли натижа бермоқда? Шу каби саволлар билан айрим юртдошларимизга мурожаат этдик.

Темур ШИРИНОВ, Самарқанд давлат университети ректори, профессор:

— Қарорда таъкидланганидек, аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама тушунтириш бугуннинг муҳим вазифаларидан саналади.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавият, маърифат тўғрисидаги тушунчаларни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш олий ўқув юртлари зиёлиларининг энг катта бурчи ҳисобланади деб ўйлайман. Университетимизда ҳам мазкур Қарорнинг ғоявий томонларини кенг тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида мунтазам анжуман ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Хусусан, бу борада профессор-ўқитувчиларимизнинг ёшларни фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молик, деб ўйлайман.

Шу ўринда бир гап. Бундай тарғибот-ташвиқот ишларини олис қишлоқларда, чекка ҳудудларда янада кўпроқ ташкил этиш лозим. Чунки, қишлоқ ёшлари ҳам ўз фикрига эга бўлиши, ҳар қандай ғоявий-мафкуравий тажовузга қарши тура олиши керак. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтирсак, уларни огоҳлигини таъминлаган, хавф-хатардан асраган бўламиз.

Тоҳиржон ҲАМИДОВ, ЎзХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси:

— Бугун мафкура ҳар қандай қуролдан кучлироқ экани ҳаммага маълум. Демак, одамлар орасида соғлом дунёқарашни шакллантириш, уларга дунёда бўлаётган жараёнларга ҳушёр ва огоҳ муносабатда бўлишини таъминлаш жойлардаги мафкура ишига мутасадди ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Президентимизнинг юқоридаги Қарорининг қабул қилиниши ҳам миллий ғоя тарғиботи борасидаги ишлар нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда, 50 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ушбу Қарордан келиб чиқиб учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказиляпти. Уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улуғвор ишлар, кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти аҳолига тушунтириляпти. Шу билан бирга юртимизга қарши қаратилган турли ғоявий хуружлар ортида турган ғаразли мақсадлар ҳам рўй-рост айтилмоқда. Бироқ шуни афсус билан таъкидлаш керакки, ташкил этилаётган айрим тадбирларда масаланинг моҳияти бир ёқда қолиб, бошқа нарсалар хусусида гап бормоқда.

Гулноза ЭШМУРОДОВА, талаба, Иштихон тумани:

— Яқинда коллежимизда туман ҳокимлиги, маънавият тарғибот маркази ва қайсидир бир сиёсий партия фаоллари иштирокида миллий ғоя тарғиботи масаласига бағишланган учрашув ўтказилди. Мажлислар залига тўпланган 300 нафарга яқин талаба маърузачиларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик. Тўғриси, улар билдираётган фикрлар анчайин мураккаб бўлиб, таҳлил ва изоҳлар камдек туюлди. Очиғи, бугун аксарият ўтказилаётган тадбирларнинг мақсади аниқ, лекин тарғиботчилар унинг моҳиятини очиб беришда қийналишмоқда. Менимча, тарғибот-ташвиқот ишларида содда усуллардан фойдаланса, оддий одамларга, ёшларга тушунарли тарзда ўтказилса, таъсирли ва самарали бўлади.

Кўриб турганингиздек, фикрлар хилма-хил. Улардан олинадиган хулоса битта — бугун жойлардаги маънавият тарғиботи борасидаги ишларда расмиятчиликдан йироқ бўлган самимий, очиқ-ошкора суҳбатлар, ҳаётий мисоллардан кўпроқ фойдаланиш лозим.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎҚУВ БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Марғилондаги 2-енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг севимли илм даргоҳига айланган. Бу ерда Польшанинг имтиёзли кредити ҳисобидан тикувчилик цехи ташкил этилди. Замонавий тикув машиналари ёрдамида ўқувчилар тикиш сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

— Жамоамиз таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, янги илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш, етук малакали мутахассисларни тайёрлаш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда, — дейди коллеж директори Муҳаммаджон Мирзаев.

Даргоҳда бугунги кунда 537 нафар ёш таҳсил олмоқда. Бу ерда компьютер машиналарини ўрнатиш ва созлаш, бухгалтерлик иши, тикувчилик, бошланғич синфларда меҳнат таълими каби тўртта йўналиш бўйича таълим берилади.

Суратларда: *ўқувчи Нигора Темирова; ишлаб чиқариш устаси Муножатхон Юсупова коллеж ўқувчиси билан миллий либосларни кўздан кечирмоқда.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

❖ Таклиф ва шарҳ

«ТЕМИР»СИЗ... ТЕГИРМОНЛАР

Мустақилликдан сўнг амалга оширилган муҳим ислоҳотлардан бири — қишлоқ хўжалигида буғдой етиштиришни кўпайтириш бўлганини эндиликда ҳамма билади. Қишлоқ аҳолисига қўшимча томорқа берилиши эса давлатимиздаги халқчил иқтисодий ислоҳот самараси. Ҳисоблаб кўринг: ўн икки сотих қўшимча томорқадан хоразмлик ер эгаси бугун ҳеч бўлмаганда 800-900 килограмм буғдой олаяпти. Унинг ўрнига экиладиган иккинчи ҳосил... Яна қўшимча даромад. Рўзғорни бутлаш учун имкон...

Воҳада қўшимча томорқа ерларнинг аксарига буғдой экилади. Буғдойдан бўшаган ерда эса шоли... Қарабсизки, бир йилда икки ҳосил ... ҳар гектар ер ҳисобига юз центнердан зиёд дондун. Оила омборида бир тоннача шоли ҳам турибди. Хоҳла сот, хоҳла рўзғорга ишлат...

Бу аснода Хоразмда буғдойни унга айлантирадиган турли тегирмонлар ҳам пайдо бўлди. Хитойчаси дейсизми, қўлда ясалган қўлболасими... Исталган тури бор. Ҳатто тадбиркорлар бир неча нав ун тортадиган тегирмонлар қуриб олишаяпти. Бугун вилоятнинг исталган қишлоғида камида олти-етти шундай тегирмонлар туну-кун ишлаб турибди. Хизмат нархи арзон, узоққа қатнаб юрмайсиз. Икки қоп буғдойни аравагами, ғалтакками юклаб борасиз, ярим соатдан сўнг уйга икки қоп ун билан қайтаясиз. Яна товуқ-у, мол-қўйга кепаги ҳам бор... Зўр-а!

— Ўтган йили 27 минг тонна бойитилган ун ишлаб чиқардик, — деб гурунг беради **«Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Қутлибой Хўжамуротов.** — Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам ишлаб чиқарилган ана шундай сифатли, тўйимли ун ҳажми ҳозир уч минг тоннадан ошди...

Бойитилган ун... Буғдойни тегирмонда тортиб, уни унга айлантириш жараёнида темир моддаси қўшилиши инсон организми учун нақадар муҳимлигидан бугун ҳамма хабардор. Инсон организми асоси — суякларнинг мустаҳкам бўлиши учун айнан темир моддаси керак. Айниқса, ҳали суяги қотмаган болаларга ...

Тўғри, дон комбинатлари аҳоли буғдойини ун қилиб бериш ва уни темир моддаси билан бойитиш хизматини ҳам йўлга қўйишган. Аммо, бугун вилоятда ҳар беш қадамдаги тегирмонлар турганда бор-йўғи фақат уч туман ҳудудидагина жойлашган ун комбинатларига бориб ун торттириш ҳаммага ҳам хуш келмайди... У ердаги «навбат» дегандай, йўл харажати дегандай...

...Бу ёқда эса туман раҳбарлари кичик бизнес ҳақда сўз очилса, «шунчадан зиёд хусусий тегирмонлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда», деб мақтанишади. Солиқ идоралари улардан олинадиган тўлов билан қизиқади. Электр корхонасини ишлатилган электр ҳақи... Аммо, хусусий тегирмонда тортилган ун темир моддаси билан бойитилмагани ҳақида ҳозирча ҳеч ким ўйлаб кўргани йўқ, чамаси... Наҳотки, кичик тегирмонларда ҳам тортилган унни «темир» билан бойитиш имкони бўлмаса..? Балки, хусусий ун тегирмонларини тегишинча темир моддаси билан таъминлашни мутасадди идоралар мулоҳаза қилиб кўришар... Гап — инсон саломатлиги устида бораяпти-ку...

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақолада билдирилган мулоҳазанинг мантиқан ўринли эканлигини инобатга олиб, унинг мазмуни билан аввал республика «Ўздонмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси мутахассисларини таништирдик. Улар мазкур мавзу «Саломатлик-2» ва оналар ҳамда болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга оширувчи Кўшма бюрога тегишли эканлигини айтишди. Ниҳоят, унни бойитиш миллий Дастур лойиҳасининг менежери Олимжон МИРҲОШИМОВ бизга қуйидагича жавоб қилди:

— Мухбир жуда яхши мулоҳаза юритибди. Дарвоқе, гап — инсон саломатлиги ҳақида бораяпти. Бугунгача биз мамлакатимиздаги барча дон комбинатлари — ун ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарни унни темир моддаси билан бойитувчи (фортификатловчи) дозатор (махсус жиҳоз)лар ва зарур (перемикс) витаминлар билан деярли таъминлаб бўлдик. Энди айни шундай дозатор ва перемикслар билан жойлардаги хусусий тегирмонларни ҳам таъминлаш чораларини кўраяпмиз. Масалан, айни шу мақсадда яқинда хусусий тегирмонларга эга тадбиркорлару ишбилармонлар билан 2 кунлик республика семинари ҳам ўтказдик.

Ҳозиргача мамлакатимиз вилоятлари қишлоқларидаги 12 та хусусий тегирмон биз билан ҳамкорлик йўлига ўтди. Масалан, мақола ёзилган манзил — Хоразм вилоятидан ҳам «Омад — чорвадор» фермер хўжалигидаги хусусий тегирмончилар ўз хоҳишлари билан келишиб, биз билан учрашгач, ўзаро шартнома тузишди ва керакли дозатор ҳамда перемикслар олиб кетишди.

Ана шундай жиҳозлар ва зарур витаминларни янада кўпайтириш ва улар билан хусусий тегирмонларни тезроқ таъминлаш йўлида лойиҳамиз жамоаси яқинда имкониятимизга қараб яна 20 та тегишли мослама (импорт йўли билан) харид қилишга рухсатнома олдик. Мақсад — республикамизда фаолият олиб бораётган хусусий тегирмонларга шундай мосламалар ҳамда витаминларни тезроқ етказиб бериш. Улар тегирмон эгаларига берилаётганда ўртада имзоланган шартнома шартига кўра, олдиндан маблағ талаб қилинмайди, аммо фойда ола бошлаши билан секин-аста тўловини қилиши керак бўлади, албатта.

Яна бир гап: хусусий тегирмонларни зарур дозаторлар ва перемикслар олишга ҳозирча мажбурлаш чоралари йўқ. Бироқ, юқорида айтилганидек, гап — инсон саломатлиги ҳақида бораркан, хусусий тадбиркорликка қўл урриб, тегирмон юритаётган ҳар бир ҳамюртимиз масаланинг бутун моҳият-эътиборини инобатга олиб, ишлаб чиқараётган ўз маҳсулотларини фортификатлаш (бойитиш) устида энг аввало, ўзлари ўйлаб кўрсалар нур устига аъло нур бўларди.

Бунинг учун марҳамат, бизга мурожаат қилишсин. Телефонимиз: 68-17-29 (вилоятлардан Тошкент шаҳри коди (8.371... билан чиқилади.)

❖ Тадбир

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ

Аёл оила бекаси, фарзандлар тарбиячиси, давлат, сиёсат арбоби, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барча бўғинларида фаол хизмат қилувчи зотдир. Шу боис хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, имтиёзлар яратиш, уларни қадрлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуидаги форумда ҳам худди шу хусусда сўз борди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда жамиятни янгилаш ва модернизация қилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш, она-болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш каби долзарб муаммоларнинг ОАВда ёритилиши масаласи муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналар ва болалар манфаатини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар йўналишига ихтисослашган йигирмага яқин босма нашрларнинг сифати, ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, бу борада ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари ҳақида таклифлар билдирилди, фонд қошида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи кенгаш ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Форумда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, журналистлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Малоҳат МЎМИНОВА, ЎзМУ журналистика факультети талабаси

ЁЗУВЧИ ЁДИ

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Анжуманда ёзувчи-шоирлар, университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этишди.

Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида сўз борар экан, диди ўткир, қалами учқур адибнинг ўз ижоди билан ҳикоя жанрини янги поғонага кўтарганлиги, ўзбек адабиётида ўзига хос мактаб яратиб, бетакрор асарлар қолдирганлигини тилга олмоқ лозим. Тадбирда шу хусусда фикрлар билдирилди, адиб умрининг энг мазмунли йиллари хотирланди. Шунингдек, заҳматкаш сиймонинг ўзбек адабий танқидчилиги ривожидаги хизматлари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Жасур ҲУСАНОВ

❖ Қонун барчага баробар

«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси)

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Ўтган йилда Бош прокуратурага 2,5 мингдан зиёд фуқаро мурожаат қилиб, уларнинг аксарияти Бош прокуратура раҳбарияти томонидан қабул қилинди ва мурожаатлари қонуний ҳал этилди. Шикоятлар мазмунига эътибор берилса, улар асосан инсон ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя масалалари билан боғлиқ.

Фуқароларнинг мурожаатлари орқали нафақат жойлардаги баъзи муаммолар, балки уларнинг кайфияти ҳамда у ёки бу воқеа ёхуд ҳолатга муносабатини ҳам билиб олиш мумкин. Фуқаролар мурожаатлари жамоатчилик фикрида юз бераётган жараёнларни ўзида акс эттиради.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис сўнгги йилларда прокуратура органларига мурожаат қилган фуқаролар сони ошиб бормоқда. Уларнинг аксарияти қонунбузилишлар, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида бўлмоқда.

Ўтган йили прокуратура органларига 82 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Бу 2005 йилга нисбатан 3,4 фоизга кўпдир. 2006 йилда прокуратура органларига келиб тушган мурожаатларнинг 37 мингга яқини бевосита прокуратура органларида ҳал этилди.

Бундан ташқари, прокуратура органларида 65 минг нафарга яқин фуқаро қабул қилинди. Шунингдек, 18 мингдан зиёд фуқаро арзи меҳнат жамоаларининг ўзида тингланди. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 14,6 фоизга ошди. Айниқса, меҳнат жамоаларида, ўқиш ва яшаш жойларида ўтказилган қабулларда айтилган муаммоларнинг жойида ҳал қилинишига алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро Е.Солединова ва бошқалар Олмалиқ шаҳар «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан уларга иш ҳақи берилмасдан келинаётганлигини маълум қилганлар. Прокуратуранинг бевосита аралашуви билан ходимларга 29 млн. сўм иш ҳақи ундириб берилди, ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида бериш чорасини кўрмаган корхона мансабдор шахсларининг жавобгарлиги ҳал этилди.

Яна бир мурожаатни олайлик. Фуқаро Ф.Эшонқулова «Пскент» ширкат хўжалиги томонидан фарзанди 2 ёшга тўлгунга қадар тўланиши лозим бўлган 199 минг сўм нафақа пули берилмаганлигидан шикоят қилган. Прокурор унинг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритди. Натижада суд тегишли нафақани унинг фойдасига ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди ва қарорнинг ижроси тўлиқ таъминланди.

Ёки Иштихон туманида яшовчи фуқаро Ю.Ҳасановнинг болалар тарбияси учун собиқ турмуш ўртоғидан алимент пулини ундириб бериш тўғрисидаги аризаси прокуратуранинг аралашуви билан ижобий ҳал этилди. Унгача фуқаро турли идораларга мурожаат қилиб, сарсон-саргардон бўлган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.

2006 йилда юқорида кўрсатилган қонун талабларини бажармаган мансабдор шахсларга нисбатан 13 та жиноят иши қўзғатилди. Прокуратура органлари томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, мансабдор шахсларнинг қонун талабларига зид бўлган 200 га яқин ҳужжатларига протест келтирилди. Аниқланган қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида мингга яқин тақдимнома киритилди. Қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида 800 га яқин мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 2 мингга яқин мансабдор шахс фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этгани, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини бузгани ва қонунга зид қарорлар қабул қилгани учун интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда бир масалани алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Айрим мурожаатларда муаллифнинг фамилияси (исми, отасининг исми) ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмайди ёки бу ҳақда ёлғон маълумот берилади ҳамда мурожаатга имзо қўйилмайди. Бундай мурожаатлар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан аноним деб топилади ва кўриб чиқилмайди. Шунинг учун мурожаат қилаётган ҳар бир фуқаро бундай талабларга риоя қилиши шарт.

Шу ўринда ёлғон, шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишдан иборат бўлган асоссиз мурожаат йўлланган тақдирда мурожаат муаллифи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 40-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жаримага тортилишини ҳам эслатиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. Шикоятчи тўҳматдан иборат бўлган маълумотлар ва уйдирмаларни тарқатишни давом эттирса, ушбу маълумотларни нашр қилиш ёки бошқа усулда кўпайтирганлик, ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тўҳмат қилиш ёки тўҳматдан иборат мурожаатларни йўллаган тақдирда, мурожаат муаллифи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу боис мурожаатларга нисбатан талаб-қоидалар борлигини ҳам унутмаслик фойдадан холи бўлмайди. Фуқаролар мурожаатлари эса қонуний ҳимояда. Уларнинг бузилган ва паймол этилган ҳуқуқларини тиклаш прокуратура органларининг, қолаверса, барчамизнинг бурчимиздир.

Муқимбой ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

❖ Ерни қадрласанг, ер сени боқади

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР ХУСУСИДА

Оролбўйи минтақасидаги экин майдонларининг ўзлаштирилганига кўп вақт бўлмаган, лекин, ерости сувлари сатҳининг кўтарилиши, тупроқнинг кучли шўрланиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир этмоқда.

Ерларнинг шўрланиш даражасини камайтириш ва зах сувлар сатҳи кўтарилишининг олдини олиш мақсадида, жанубий Қорақалпоғистонда «Ўзбекистон дренаж лойиҳаси»нинг биринчи босқичи амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган экин майдонларидан чиқадиган дренаж сувлари дарёнинг қуйи оқимига ташланишининг олдини олиш мақсадида қурилаётган «Ўнг қирғоқ коллектори» орқали зах сувларни Орол денгизига қуйишни кўзда тутади.

Бу лойиҳа «Ўзбекистон дренаж лойиҳаси»нинг дастлабки босқичи бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси жанубидаги Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманларидаги 100 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, шу ҳудудда яшайдиган 415 мингдан ортиқ аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган. Айни пайтда Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманлари ҳудудидаги зах сувлардан ҳар йили 400 млн.м³ сув Беруний насос станцияси ёрдамида Амударёга ва 350 млн. м³ сув Қизилқум насос станцияси ёрдамида текисликдан 8-10 метр баландликдаги Аязкала кўлига оқизилиб турибди.

Янги лойиҳада кўзланган қурилиш-мелиорация ишлари амалга оширилганидан сўнг зах сувлар Қизилқум чўли орқали (қазилаётган янги коллектор орқали) ўз оқими билан Орол денгизига бориб қуйилади. Сув сатҳи йил сайин пасайиб бораётган Орол янги манбадан секундига 100 м³ дан ортиқ сув оладиган бўлади. Аввал фойдаланиб келинган Беруний ва Қизилқум насос станцияларининг тўхтатилиши билан унга сарфланиб келинган электр қуввати ҳисобидан ҳар йили 1,5 миллиард сўмлик бюджет маблағи тежалади. Энг муҳими, дарёга зах сувлар қуйилишининг тўхтатилиши натижасида қарийб 1,5 миллион одам (аҳоли) яшайдиган дарёнинг пастки қисмида ичимлик сувининг сифати анча яхшиланади. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик миқдори 12-15 центнерга кўпаяди.

Қорақалпоғистоннинг янги «Ўнг қирғоқ коллектори»нинг умумий узунлиги 300 км.ни ташкил этади. Лойиҳанинг сметаси умумий қиймати (ТИА бўйича) 74,55 млн. АҚШ доллари қийматида баҳоланади. Жумладан, 60 млн. АҚШ доллари Жаҳон банки ҳисобидан ва 14,55 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳисобидан таъминланади.

Лойиҳанинг асосий иш ҳажмига кўра, 25 млн. м³ мелиорация ишлари, коллектор трассаси бўйича 10 та автомобиль кўприги, 10 та аҳоли ва чорва моллари ўтиш кўпригини қуриш белгиланган. Бунга қўшимча, лойиҳа бўйича суғориб экиладиган ерлардаги гидротехник иншоотларни қайта тиклаш, коллекторларни чуқурлаштириш, 4000 гектар майдондаги ерларни текислаш ва шунча майдондаги адир ерларни чуқур юмшатиш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш, фермерларни ўқитиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилади.

Магистрал дренаж тизимини қуриш ва қайта тиклаш, Бадой-туқай давлат қўриқхонасини чучук сув билан таъминлаш ишлари бўйича 2005 йил август ойида ўтказилган тендер якунига кўра, Хитойнинг «Синохайдро» компанияси билан қурилиш ишларига шартнома тузилиб, ҳозирги кунда бу ишларга 12 та экскаватор, 25 та бульдозер, бошқа зарур техникалар, 90 нафар хитойлик, 160 нафар ўзбекистонлик мутахассис ходимлар жалб етилган. Шу кунгача магистрал коллекторнинг асосий қисми қазиб бўлиниб, ҳозир кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

Ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳисобланган хўжаликлараро зовур ва суғориш тармоқларини қайта тиклаш компоненти бўйича 2006 йил май ойида тендер ўтказилиб, «Тўполангсувгрескурилиш» ташкилоти билан шартнома тузилди.

Лойиҳа бўйича асосий қурилиш ишларини 2008 йилда тўлиқ якунлаш назарда тутилган.

Ерни қадрласанг, ер сени боқади. Меҳр-шафқат кўрсатганга табиат ноз-неъматларини инъом этади. Оролбўйи заминида амалга оширилаётган лойиҳа шу тупроқнинг эртанги истиқболи учун замин яратяпти. Бинобарин, у бугунги Орол заминининг дардига малҳам бўлади.

Каримбай ДАВЛЕТМУРАТОВ,
эколог-журналист.

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида «FROMODA TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган мазкур корхонага Японияндан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Муҳими, бу ерда тайёрланадиган маҳсулотлар жаҳон андазаларига мос бўлиб, бир қатор хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, чекка қишлоқларга ҳам саноат кириб боряпти. Маҳаллий маҳсулот шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Айни пайтда ўзбек пахта толасидан тайёрланаётган маҳсулотларга бутун жаҳонда талаб ошиб бораётир. Шу боис, бу ерда юз фоиз пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган элликдан зиёд турдаги трикотаж маҳсулотларига кўп буюртма тушаётир.

— Бир ойда 30 минг дона маҳсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз, — дейди жамият раҳбари Фарҳоджон Абдураҳимов. — Бу ерда барча ишлаб чиқариш жараёнлари тўла компьютерлашган бўлиб, эллик нафар йигит-қиз самарали меҳнат қилмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири



СУД ТАҚИҚЛАГАН БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ

«Украинская правда» интернет-нашри хабар беришича, Киев шаҳрининг Шевченко туман суди шаҳар марказидаги Мустақиллик майдонида (украиналиклар уни «Майдан» деб юритишади) митинг ўтказилишини тақиқлаган бўлишига қарамай, мухолифатдаги Юлия Тимошенко блоки, «Наша Украина» партияси ҳамда «Народная самооборона» жамоатчилик ташкилоти ўз тарафдорларини йиғиб, митинг ўтказди. Митинг иштирокчилари мамлакат парламенти тарқатиб юборилишини, ҳукумат истеъфосини ва навбатдан ташқари сайловлар ўтказилишини талаб қилишди. Худди шундай митинглар Европа, София ва Контракт майдонларида ҳам бўлиб ўтди.

Дарвоқе, ИТАР-ТАСС ахборот тарқатишича, ҳукмрон коалиция ҳам ўз тарафдорларини йиғиб, митинг ўтказди. Улар «Украинанинг келажаги — бирликда» шиори остида мухолифат мақсадларига қарши талабларни илгари сурдилар.

Умуман, икки томоннинг 60 мингга яқин тарафдорлари ушбу митингларда иштирок этишди.

Бу қарама-қарши кучлар ўртасида тўқнашув юз бермаслиги учун 6 мингга яқин милиция тартибни сақлашга йўналтирилди.

«Интерфакс» ахборот агентлиги маълум қилишича, мамлакат Президенти Виктор Ющченко «Наша Украина» партияси қурултойида қатнашиб, республикадаги сиёсий инқирозни бартараф этиш учун парламент ва ҳукуматга 7 та талаб қўйди. Агар шу талаблар бажарилмаса у Олий Радани тарқатиб юбориш ҳуқуқидан фойдаланишини алоҳида таъкидлади.

ПРЕЗИДЕНТНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Саудия Арабистони шоҳи Абдалла бин Абдул Азиз ас-Сауд Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нежатни АҚШнинг Эронга ҳужум қилиш эҳтимоли борлиги ҳақида огоҳлантирди. «Ўт билан ўйнашма, Америка Эронга ҳужум қилмайди деб ҳам ўйлама, бу таҳдид реал воқеликдир» – деди у Маҳмуд Аҳмади Нежат Ар-Риёд шаҳрига қилган ташрифи чоғида.

Бу ҳақда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал-Файсал «Newssweek» журналига берган интервьюсида алоҳида таъкидлади.

Америка — Эрон муаммолари хусусида яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, АҚШ давлат департаменти Эрон Мудофаа саноати ташкилотига нисбатан санкция жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди. Негаки, АҚШ давлат департаменти бу ташкилот ҳам Эроннинг ядро дастурига алоқадор деб ҳисобламоқда. Шунинг учун ташкилотнинг АҚШдаги барча активлари «музлатиб» қўйилади.

Давлат департаменти баёнотида айтилишича, бундай қарор БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан шу йил 24 март куни қабул қилинган резолюция шартларига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилди.

Эслатма: Эрон мудофаа саноати ташкилоти ўтган асрнинг 80-йиллари охирида ташкил этилган. 1992 йилда у 240 та давлат ҳарбий корхонасини ҳамда 12 мингта хусусий корхонани (ҳарбий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи) ўзида бирлаштирган.

Яна бир гап. Маълумки, Эрон 23 март куни Эрон — Ироқ денгиз чегарасида 15 нафар Британия денгизчисини қўлга олган эди. Январь ойида эса Ироқ шимолидаги Эрбил шаҳрида давом этаётган жанглар пайтида АҚШ қўшини томонидан 5 нафар эронлик қўлга олинганди. Айнан шуларни британиялик 15 нафар асирга айирбошлаш тўғрисидаги таклифни АҚШ маъмурияти рад этди.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сомали пойтахти Могадишода ҳукумат ва унинг иттифоқчиси Эфиопия қўшинлари билан қуролли жангарилар ўртасида тўрт кундирки тинимсиз отишмалар давом этмоқда.

Сомали радиосининг хабар беришича, томонлар катта йўқотишлар бераётган бўлсада, жангларни тўхтатмаётир.

Халқаро Қизил хоч қўмитаси маълумотларига кўра, яралганлар сони 300 кишидан ҳам ортиб кетган, ўлганлар ҳақида эса ҳозирча маълумотлар тарқатилмаяпти, бироқ Қизил хоч вакилининг айтишича, ҳалок бўлганлар жуда кўп ва бу сон ортиб бормоқда.

Ҳозир шаҳарда ҳаёт тўхтаб қолган: дўконлар, муассасалар, мактаблар ишламаяпти, кўчалар бўм-бўш, тинч аҳоли жон сақлаш учун ўз уйларини ташлаб кетмоқдалар.

АЭРОПОРТЛАР ЁПИЛДИ

Бразилия пойтахти авиадиспетчерлари норозилик сифатида иш ташлаш эълон қилгани муносабати билан барча аэропортлар иш фаолиятини тўхтатди. Кейинчалик пойтахт авиадиспетчерлари «ташаббуси»га Рио де-Жанейро, Сан-Паула ва Куритиба сингари йирик шаҳарларнинг соҳа ходимлари ҳам қўшилишди.

Иш ташлаш иштирокчилари меҳнат шароитлари яхшиланишини, маошлар оширилишини, диспетчер хизмати Мудофаа вазирлиги тасарруфидан чиқарилишини талаб қилишмоқда, дейилади «Фолья ди Сан-Пауло» газетасида чоп этилган хабарда.

«Глобу» ахборот агентлиги маълумотларига кўра бир қатор шаҳарларнинг авиадиспетчерлари ҳатто очлик эълон қилишган.

Ҳозир Бразилия ҳукумати ушбу муаммони ҳал этиш учун таркибига бир неча вазир киритилган «инқироз гуруҳи» ташкил этди.

Умуман олганда, Лотин Америкасидаги бу йирик мамлакатнинг фуқаро авиацияси ўтган йилнинг охирларидаёқ «иситмалай бошлаган»ди. Яъни, 2006 йил сентябрь ойида Бразилия осмонида юз берган икки самолёт тўқнашувидан сўнг (ушбу авиаҳалокат натижасида 154 киши ҳаётдан кўз юмган) авиадиспетчерлар халқаро меҳнат нормаларига риоя этилишини маъмуриятдан талаб қилишганди, аммо уларнинг талаби ҳануз қондирилмаган.

Рождество ва Янги йил байрамлари вақтида эса норозиликлар ўзининг кульминациясига етган. Ушанда минглаб йўловчилар аэропортларда ўз парвозларини бир неча соатлаб кутишган эди.

ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШГАН ЭДИ

Грузиядаги «Надежда» мухолиф партияси вакилларидан ўн нафари «Справедливость» партиясининг сўроқ қилинаётган вакилларини қўллаб-қувватлаш учун 28 мартдан эътиборан очлик эълон қилишган эди. Бироқ тўртинчи куни уларнинг мазаси қочиб қолди ва тез тиббий ёрдам чақиришга тўғри келди, дея хабар беради «Новости — Грузия» ахборот агентлиги.

Очлик эълон қилганлар орасида «Надежда» партиясининг етакчиси Ирина Саришвили ҳам бор. Улар битта талабни илгари суришмоқда: «Справедливость» партиясининг етакчиси Игорь Гиоргадзе тарафдорлари устидан олиб борилаётган суд жараёнлари очиқ тартибда ўтказилсин.

Грузия хавфсизлик хизматининг собиқ раҳбари, кейинчалик мухолифатдаги «Справедливость» партиясини тузган Игорь Гиоргадзе тарафдорлари ва Игорь Георгадзе ўзи ҳам ватан хоини сифатида, конституциявий давлатни куч билан ағдаришга уриниб, фитна уюштирганликда айбланмоқдалар. Уларни қўлга олиш операцияси ўтган йил сентябрда амалга оширилган. Ҳаммаси бўлиб 29 киши ушланган. Кейинчалик айримлари озод этилган. Ҳозир 13 киши ҳибсда. Игорь Георгадзе эса қочқинда. Унга нисбатан Интерпол томонидан халқаро қидирув эълон қилинган.

ЎЗ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Франция темир йўл экспресси ноқулай об-ҳаво шароитида ўзининг аввалги рекордини янгилашга эришди. ИТАР-ТАСС хабар беришича, машғулот Париждан 200 километр наридаги махсус тезюрар трассада амалга оширилди. Яъни, иккита электровозли, учта икки қаватли ва қўшвагондан иборат тезюрар поезд соатига 568 километр тезликда юрди. Шундай қилиб, тезюрар поездлар туркумини ишлаб чиқарувчи «Алстом Транспорт» компанияси ўзининг 1990 йил майда ўрнатган рекордини янгилади. Ушанда поезд соатига 515,3 километр тезликда юрган эди (бу бир сонияда 150 метр тезликда юриш дегани).

Умуман, бу борадаги жаҳон рекорди французларга эмас, балки японларга тегишли. Улар Германия технологияси асосида ишлаб чиқарган магнитли осма темир йўлда поезднинг соатига 581 километр тезликда юришини таъминлаганлар.

Бироқ темир йўл устида ҳаракатланадиган поездлар тезлиги бўйича рекорд барибир французларга тегишли.

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

МЕҲНАТГА ЯРАША САМАРА

АТ «ПАХТА БАНК» НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШЛАР ҲАҚИДА

Хатирчи туманидаги «Саъдулла Кенжаев» фермер хўжалиги ташкил этилганидан буён молиявий барқарор. Боиси хўжалик раҳбари Асад Кенжаев акциядорликтижорат «Пахта банк» Навоий вилоят бошқармасининг доимий мижози — акциядор. Ўтган йили банк ўз маблағи ҳисобидан жамоага «ВТ-150» русумли занжирли трактор олиб берди. Ижобий натижа бир йил ичидаёқ сезилди: 81,5 гектар умумий ер майдонининг 46,5 гектарида пахта, 35 гектарида ғалла етиштирилди. Ҳосил мўл бўлди: 90 тонна ғалла, 139,5 тонна пахта хирмони уюлди. Йил 17,5 миллион сўм соф фойда билан якунланди.

Банк бошқармаси фаолиятидан Қизилтепа туманидаги «Саркор» мебель ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси (раҳбари Маҳфират Шарипова) ҳам миннатдор. Хомашё ва замонавий дастгоҳлар сотиб олиш учун маблағ зарур бўлганда банк мижозига пешвоз чиқиб, ўз маблағи ҳисобидан 50 миллион сўм кредит ажратди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган пишиқпухта мебеллар хариди чақкон. Боз устига 12 та янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Банк орқали хорижий валютада кредит олиб, кенг фаолият юритаётган юртдошларимиз ҳам талайгина. Жумладан, банкнинг Кармана филиали мижози — якка тартибдаги тадбиркор Замира Аблаева томонидан тайёрланган лойиҳа бўйича кенг имкониятли принтер мажмуаси сотиб олиш учун 13 600 АҚШ доллари миқдорида эркин алмаштириладиган валютада кредит берилди. Навоий шаҳрида фаолият юритаётган Отабек Аблаев раҳбарлигидаги «Рустам Ниҳол» масъулияти чекланган жамиятда 11800 АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари муваффақиятли ўзлаштирилди. Унинг эвазига ўнтўртта янги иш ўрни вужудга келди ва реклама маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ вилоятда микрофирмаларга, кичик ва хусусий бизнес ташкилотларига банкнинг ўз маблағларидан бериладиган имтиёзли кредит жамғармаси ташкил этилган. Айни пайтда бошқарма таркибида 8 та филиал ва 17 та минибанк шохобчаси 6658 та мижозга (шулардан 2952 таси фермер хўжалиги) хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган 2006 йил давомида 17 та минибанк шохобчаси орқали хўжалик субъектларига сифатли ва тезкор банк хизматлари амалга оширилди. Улар томонидан тўлиқ банк хизматлари кўрсатиш мақсадида етарлича малакали ходимлар, инвентар (жиҳоз)лар, модем ва телефон алоқа линиялари бутланди. Ўтган йили 1778 та мижозга хизмат кўрсатилиб, биргина қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзига 4967,1 млн. сўм миқдорида (шартнома бўйича) микрокредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, тарқатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудида янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларига хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра, инфратузилма объектларини шакллантириш учун банк ташаббуси билан Қизилтепа туманидаги «Ванғози» ширкат хўжалиги ҳудудида «Ванғози» минибанки ҳамда Кармана филиали таркибида «Гулистон» минибанки ташкил этилиб, бугунги кунда уларнинг сони 19 тага етказилди.

2006 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 3798,4 млн. сўмни ташкил этиб, шундан 2006 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 1747,7 млн. сўм кредитлар берилди. Бунинг 801,7 млн. сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратилди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган 1747,7 млн. сўм кредит маблағнинг 1242,0 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 7,2 млн. сўми маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 21,7 млн. сўми эса бошқа тармоқларга тўғри келди. Шунингдек, 40 та субъектга Осиё Тараққиёт банки кредит линияси бўйича 400,0 млн. сўм кредит маблағлари қишлоқ хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра, инфратузилма объектларини шакллантириш учун банк ташаббуси билан Қизилтепа туманидаги «Ванғози» ширкат хўжалиги ҳудудида «Ванғози» минибанки ҳамда Кармана филиали таркибида «Гулистон» минибанки ташкил этилиб, бугунги кунда уларнинг сони 19 тага етказилди.

2006 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 3798,4 млн. сўмни ташкил этиб, шундан 2006 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 1747,7 млн. сўм кредитлар берилди. Бунинг 801,7 млн. сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратилди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган 1747,7 млн. сўм кредит маблағнинг 1242,0 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 7,2 млн. сўми маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 21,7 млн. сўми эса бошқа тармоқларга тўғри келди. Шунингдек, 40 та субъектга Осиё Тараққиёт банки кредит линияси бўйича 400,0 млн. сўм кредит маблағлари қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар олиш учун ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида берилган кредитларнинг асосий қисми чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Туман бозорларидан нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олиш учун банк орқали («Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси» ҳисобидан) 301 та кам таъминланган оилага 195,0 млн. сўм, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 187 та оилага 138,3 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 11 августда рўйхатдан ўтган ва тасдиқланган Низомга асосан давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларини кредитлаш борасида ҳам самарали ишлар бажарилди. Жумладан, 1138 та қишлоқ хўжалик корхонасига 7677,6 млн. сўм маблағ ажратилиб, бу маблағлар иш ҳақи, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, МТП хизматлари ва бошқа зарур харажатларга сарфланди.

АТ «Пахта банк» вилоят бошқармаси қишлоқ хўжалик корхоналарига пахта ва ғалла етиштириш харажатлари учун кредитлар бериш билан бирга уларга қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишда лизинг хизмати ҳам кўрсатиб келмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган икки ойи ичидаёқ қишлоқ хўжалиги техникалари учун 532,2 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. 480,0 млн. сўмлик 4 та Германияда ишлаб чиқарилган «Класс-доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайнлари, 52,2 млн. сўмлик 2 та «МТЗ-80Х» русумли (Белорус) тракторлари шулар жумласидандир.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш борасидаги ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Амалдаги 20 дан ортиқ омонат турларига жалб қилинган омонатлар қолдиғи 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига 2282,4 млн.сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 941,1 млн. сўм кўп дегани. Одамларнинг банкка бўлган ишончини ошириш мақсадида «Адолат», «Олтин куз», «Ҳимоя», «Омад», «Талаба» ва бошқа шу каби кўплаб омонат турлари ташкил этилганки, улар мижозларга қулай бўлишлиги учун нақд пуллар 6 ой ва 1 йиллик муддатларгача жамғариб бориш шаклида қабул қилинмоқда. Жорий этилган юқори фоизли янги омонат турлари самараси ўлароқ мижозлар сони тобора ошиб бормоқда.

Бошқарма жамоаси аҳоли омонатларини жалб қилиш билан бирга коммунал тўловларни қабул қилиш борасида ҳам ижобий изланишлар қилмоқда. Бошқарманинг Кармана, Қизилтепа ва Янгиработ филиаллари таркибида коммунал тўловлар қабул қилиш учун ташкил этилган махсус кассаларга ўтган 2006 йилда тўловлар ҳамда солиқ тушумлари ҳисобидан 671,5 млн. сўм нақд пул тушди. Жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида эса мазкур кассалар орқали 196,5 млн. сўм нақд пул қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида бошқарманинг шаҳар ва туман филиалларида 2006 йил якуни бўйича (1 январь ҳолатига) мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкалар умумий сони 19561 тани ташкил этган бўлса, 2007 йилнинг 1 январига келиб, 29576 тага етди ёки 10015 тага кўпайди. Ёки шу йилнинг ўтган икки ойи давомида пластик карточкаларга жалб қилинган маблағлар миқдори 1120,0 млн. сўмни ташкил этди. Терминалларнинг савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 баробарга, қолдиқ маблағлар эса 4,5 баробарга ошди.

✧✧✧

...Ўлкамизда яна баҳор бошланди. Ғаллакорлар кўклам қуёшидан баҳра олаётган ям-яшил майсазорлар парваришини ҳар қачонгидан кучайтириб, чўпон-чўлиқлар қўзилатиш мавсумига киришдилар. Ҳадемай, миришкор сабзаворкорлар пахтакорлар ҳам барака уруғи қадашади... АТ «Пахта банк» ходимлари эса ҳар галгидек улар ёнида камарбаста, албатта. Демак, Навоий вилояти бошқармаси жамоаси ҳам бундай эзгу ишлардан четда қолмайди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

❖ Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ДУНЁ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

ҲИНДИСТОНДА ЎТГАН ДУНЁ БОЛАЛАРИ РАСМЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА ШАҲРИСАБЗЛИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИСИ АМИР АБДИМЎМИНОВ АСАРИ КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Республикамиз истиқлолга эришгандан сўнг мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижод ҳамда билим чўққиларини эгаллашларига кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Янги замон билим масканлари бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, санъат мактаблари, ижодиёт марказлари, интеллектуал клублар шулар жумласидандир. Бугун мазкур даргоҳларда таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар ўрганаётган ёшлар ўз билим ва иқтидори билан оламшумул ютуқларга эришаётгани ушбу эътибор самарасидир.

Ана шундай ёшларни тарбиялаб бераётган масканлардан бири Шаҳрисабз тасвирий ва амалий санъат лицейи бўлиб, у 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий академияси негизида ташкил этилган. Уч юз ўқувчи ўрнига эга мазкур замонавий билим даргоҳида ёшларнинг санъат сирларини эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Замонавий устахона, шинам ётоқхона, ошхона ва бошқалар ўқувчилар ихтиёрида. Айни пайтда лицейда икки юзга яқин ўқувчига 30 нафар малакали, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган ўқитувчи-мураббийлар билим сирларини ўргатиб келмоқда. Шу боис бу ерда янги-янги истеъдодлар юз очмоқда. Бугун лицей ўқувчилари ўз асарлари билан нафақат республикамиз, балки Польша, Ҳиндистон, Словакия, Бангладеш каби давлатларда бўлиб, ўттизга яқин халқаро кўргазма ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритишди.

Яқинда Ҳиндистондан яна бир хушхабар келди. Лицейнинг 9-синф ўқувчиси Амир Абдимўминовнинг «Ўзбек миллий кураши» деб номланган асари Деҳлидаги дунё болалари расмлари кўргазмасининг кумуш медали билан тақдирланибди. Жаҳоннинг энг кучли ёш рассомлари асарлари иштирок этган кўргазмада Амиржоннинг ижод намунаси совринли ўринга муносиб кўрилгани мамлакатимиз ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор кўрсатди.

Ушбу истеъдодли ўқувчи болалигидан расм чизишга қизиқар, табиат манзаралари, тоғлар, қишлоқлар қиёфасини ички бир туғён билан тасвирлашга интиларди. Унинг бу қизиқишини сезган отаси Ҳамза ака ўғлини лицейга олиб келди. Амир 5-синфдан бошлаб ўқишини шу ерда давом эттириб, устози Гўзал Эгамовадан рассомлик санъатининг нозик сирларини ўрганди.

— Бу ўқувчимиз лицейга келганидаёқ барчанинг эътиборига тушганди, — дейди Гўзалхон Эгамова. — Унда ўзгача истеъдод бор. Амиржон кўпчилик илғаб етмайдиган қирраларни англай олиши, ўз устида тинимсиз изланиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Умидли истеъдодлар камол топаётган бу масканда халқаро танловлар ғолиби бўлган ёшлар яна кўплаб топилади. Ана шундайлардан бири 11-синф ўқувчиси Сарвар Раҳимовдир. Сарваржон лицейда устози Муҳаммадали Пўлатовдан қалам, сувбуёқ, мойбўёқ воситасида расм чизиш санъатини мукаммал ўрганди. Унинг асарлари республикамиз ва хорижда ўтказилган халқаро танловларда ҳам муносиб баҳоланган. Жумладан, «Совчилар» картинаси Ҳиндистонда ўтган юқоридаги танловнинг олтин медали билан тақдирланди. Ижоди муносиб баҳоланган ёш рассом бугун бундан-да йирик асарлар яратиш устида изланмоқда. Сарваржоннинг бу ғалабаси унга янги имконият эшикларини очди, яъни ёш рассом олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Орзулари осмон каби беғубор бу ёшларга қарата: «парвозингиз бундан-да юксак бўлаверсин», деймиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: *санъат лицейи директори Муҳиддин Остонов халқаро кўргазма ғолиби Амир Абдимўминов билан; «Менинг қишлоғим» картинаси.*

❖ Спорт

ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВНИ ХОТИРЛАБ...

Пойтахтимиздаги Республика шоҳмот саройида биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Tashkent open» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шоҳмот усталаридан ташқари, Россия, АҚШ, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан ташриф буюрган етмиш нафар иштирокчи дона сурди.

Умумий мукофот жамғармаси 11000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақада ғолиб ва совриндорлар швейцарча тизим асосида аниқланди. Якунда тўққиз имкониятдан бир хил — еттитадан очко жамғарган тошкентлик Сергей Қаюмов, самарқандлик Марат Жумаев ҳамда қирғизистонлик Леонид Юртаевлар бош соврин учун асосий даъвогарлик қилишди. Шу боис, ғолиб номи мусобақа низомига кўра, иштирокчиларнинг шахсий коэффициентларига қараб аниқланди. Натижада Леонид Юртаев (Қирғизистон) бош соврин — 2500 АҚШ долларига сазовор бўлди. Марат Жумаев ҳамда Сергей Қаюмовлар эса кейинги ўринларни эгалладилар. Уларга 2000 ва 1500 АҚШ доллари миқдорида мукофотлар топширилди.

ДУРАНГ ҚАЙД ЭТИЛМАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига жамоалари учинчи тур учрашувларида майдонга тушдилар. Эътиборлиси, якунланган етти ўйиннинг бирортасида ҳам дуранг натижа қайд қилинмади.

Тошкентда ўтган «Локомотив» — «Насаф» жамоалари баҳсида мезбонлар ўз дарвозалари тўридан жавобсиз икки тўп ўтказиб юборишди — 0:2. Тўпларни Зафар Холмуродов ҳамда Умид Исоқов киритди.

Олий лига дебютанти Вобкентнинг «Вобкент» футболчилари дастлабки турларда «Қурувчи (0:1), «Насаф» (1:4) жамоаларига имкониятни бой берганди. Вобкентликлар бу гал «Андижон-ЎзДЭУавто» вакилларини қабул қилишди ва яна ўз мухлисларини ранжитдилар — 0:4.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Шўртан» — 2:1, «Қизилқум-Олтин» — «Бухоро» — 3-1, «Самарқанд-Д» — Навбаҳор-Н» — 3:2, «Металлург» — «Қурувчи» — 0:1, «Трактор» — «Тўпаланг» — 2:1.

Кеча эса Муборакда «Машъал» — «Пахтакор» жамоалари ўзаро куч синашди.

Суратда: *«Локомотив» — «Насаф» учрашувидан лавҳа.*

М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 21.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

❖ Театр

ҲАЁТ ВА ҲАҚИҚАТ

Адабиёт ҳаётнинг инъикосидир, деган мулоҳазани кўп эшитамиз. Аммо адабиётнинг ўзимиз яшаб турган давр, шу кун воқеа-ҳодисалари, улар марказидаги одамлар билан бевосита боғлиқ бўлган ифодасини кузатиш, ҳис этишга ҳар доим ҳам муяссар бўлавермаймиз. Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб «Нексия» спектаклини кўриб, кўнглимиздан ана шундай мулоҳазалар кечди.

Асарда енгил кулги пардаси остида кундалик ҳаётнинг ўзиқариндошдек истиқомат қилишади. Сиртдан қараганда ҳам, аслида ҳам маҳалла ҳаёти шундай: бир оилада тансиқроқ таом тайёрланса қўшнига ҳам узатилган ёки бириникига меҳмон келса ён-атрофдагилар ҳам бу зиёфатга чақирилган, гапнинг қисқаси, ҳамма бир оиладек тотув ва ҳамжиҳатликда тинчгина умргузаронлик қилишмоқда. Асарда воқеа шундай бошланади: дам олиш кунини маҳалладошлар биргалашиб ўтказишмоқчи. Бу йиғинга фақат эркаклар эмас, аёллар ҳам алоқадор. Чунки, бундан бир кунгина сонажлар тимсолида яхлитлашиб боради.

Маҳаллага «Нексия» машинасининг мукофот тариқасида берилиши билан боғлиқ бўлган хабар асардаги воқеалар ўзанини бутунлай бошқа томонга буриб юборади. Спектакль аввалида «ҳамма нарса кўнглингиздай бўлади» деб айтишга муносиб кўрилган аёл, кейинги саҳнада Норбуви (Раъно Ярашева)нинг: «кап-катта хотин тор шим кийиб олиб, қошингизга бир энлик ўсмани чаплаб, тасқара бўлиб юрасиз», деган баҳосини эшитади. Дастлаб ўзаро «қўшнижон» га хос бадиий талқини янгича бир оҳангларда тақдим этилган. Спектакль жараёнида адиб олға сурган ғоянинг улуғворлиги, талқиннинг самимий ва беғуборлиги, қаламга олинган ижтимоий муҳитнинг серқирралиги очиқ кўриниб туради. Шунингдек, унда мантиқнинг ўткирлиги, воқеалар ривожидаги узлуксизлик, ҳаётга қарашдаги хилма-хил нуқтаи назарларнинг мавжудлиги беихтиёр киши эътиборини тортади. Буларнинг барчаси инсон руҳий ҳолатининг бир бўлаги сифатида саҳнада бадиий акс эттирилиши эса асар аҳамиятини оширган.

ЁКИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА САҲНАЛАШТИРИЛГАН «НЕКСИЯ» СПЕКТАКЛИНИ КЎРИБ, КЎНГИЛДАН КЕЧГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Спектаклда оддий, бир қарашда биз ҳар куни кундалик турмушда дуч келадиган, ўзимиз иштирок этадиган, гувоҳ бўладиган воқеалар қаламга олинган. Унда тасвирланишича, пойтахтимиздаги обод ва аҳил бир маҳаллада одамлар бир-бири билан худди ака-ука, опа-сингилдек, ёки яқин бир қўшни, олдин маҳаллада тўй бўлиб ўтган.

Хуллас, ҳамма нарса ўз маромида юз беради. Воқеалар тонг саҳардан бошланади. Қатиқчи опанинг чақириғига жавобан маҳалла аёллари биринкетин кўриниш беришади. Уларнинг ўзаро аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, бир-бирларига бўлган илтифот ва мулозаматлари томошабинни ҳам бефарқ қолдирмайди. Таъкидлаш жоизки, муаллиф илк қадамларданоқ қаҳрамонларининг ўзига хослигига эътибор беради. Яъни, ҳар кимнинг хатти-ҳаракати, феълига қараб унинг қандай одам эканлигига томошабин эътиборини жалб қилмоқчи бўлади. Бунинг сабаби эса воқеалар ривожига қараб кейин намоён бўлиб боради. Очиғини айтиш керак, асарда қаҳрамон деган атама кўпда «ишламайди». Бош қаҳрамон, таъбир жоиз бўлса — ҳамма! Бироқ мана шу ҳамма алоҳида-алоҳида олинган персонажлар тилида яхлитлашиб бўлиб тилга олинган Хадича кейинги саҳнада айни шу персонаж тилида «Қадди-қоматингиз бор эканми? Шу туришингизда-я? Полизнинг қўриқчисига ўхшаб...» деган «ширин» гапига сазовор бўлади. «Дилшодбек билан Ойжамолни кечагина келинкуёвлар ўрнига қўйиб, бир дунё яйраб ўтирган» Хадича (Гулчехра Иброҳимбекова) кейинги воқеалар таъсирида «Кўнглингизни тўқ қилаверинг. Ўғлимиз уйланмайди ўша ликилдоқ қизингизга» дейишдан ўзини тиёлмайди. Таъкидлаш жоизки, асарда бундай ранг-баранг талқинлар талайгина.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бизга маълумки, инсон ҳар доим ҳам энг мураккаб феномен сифатида тан олинган. Ундаги буткул қирраларнинг тўлиқ кашф этилиши амримаҳол. Асарда шу ғоянинг ўзига хос талқинлари мавжудлиги ва бу комедия жанри талабларига уйғун ҳолда берилганлиги унинг жозибадорлигини, таъсирчан ва қизиқарлилигини таъминлаган. Шу маънода ушбу спектаклнинг ҳар бир кишига ўзига хос тарзда таъсир қилиши ҳам айни ҳақиқат. Ундан ҳар ким ўзи излаган нарсаларни топишга интилиши ва ўз нуқтаи назаридан ёндашиши мумкин. Нима бўлгандаям, ушбу асар хилма-хил дунёқарашлар, турфа талқинларнинг бир нуқтада учрашини инкор этмайди. Шунга кўра, асардаги қаҳрамонлар ички олами, руҳиятининг тадқиқи билан танишув жараёнидаги мулоҳазалар ҳам ранг-баранг бўлиши ажабланарли эмас.

Биз буни шунчаки айтаётганимиз йўқ. Балки спектакль тугагандан сўнг кўпгина томошабинларнинг бир-бирларига бу асар худди ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларнинг ўзигинаси эканлигини айтаётганлигини кўриб, ишонч ҳосил қилдик. Ушбу мулоҳазаларга асарнинг ҳаётийлик даражаси нечоғли эканлигига берилган баҳо сифатида қаралса, айни муддао бўлар эди. Чунки, муаллиф ҳам асарни битишда айнан ҳаётий манзаралар орқали томошабинга ибрат кўрсатиш, таъсир этиш йўлини танлаган ҳамда бу мақсадига қайсидир маънода эришган.

Бир сўз билан айтганда, «Нексия» спектаклида ҳикматларнинг ўзига хос бир гулдастаси жамланган, десак янглишмаган бўламиз. Аммо у бу ҳикматли сўзларнинг оддийгина жамланмаси, мажмуаси ҳам эмас. Унда ҳар бир ҳикматли сўз, халқ мақоли ўз ўрнида «гапиради». Уни кўплаб қаҳрамонлар нутқида кўрамиз.

Тўғри, асарда бир озгина ўрнига тушмаган манзаралар, персонажлар нутқида ҳаётийликдан четлашиш, ижрода эса баъзан ўртачароқ ҳаракатлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Лекин эътиборлиси, мазкур спектакль бугунги кунда том маъноси билан «саҳнадан тушмай турибди». Уни кўрган томошабинда ўзи ва атрофдагилар ҳақида, моддий ва маънавий дунёларнинг уйғунлиги, шу уйғунликка қўшиши мумкин бўлган ҳисса ва улуши ҳақида чуқурроқ мушоҳада қилиб кўришга хоҳиш-истак уйғониши табиий. Зеро, ҳақиқий саҳна асари зиммасига юкланган олий вазифа ҳам шу аслида.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

❖ Соғинч

БОҒИМГА БУЛБУЛ КЕЛАРМИКИН?

Дала ҳовлига экиш учун учтўрт туп кўчат олиб, автобусда кетаётгандим. Ёнимдаги шеригим:

— Кечирасиз, кўчат экиш вақти ўтди, шекилли? — деб ҳайратомуз бокди.

— Ҳовлимизда бир туп тоғолча бор эди, жонивор жуда эрта гулларди... Қуриб қолди. Шунинг ўрнига экмоқчиман.

— Бодомдан олдин гулламас, ҳарқалай, — деб гапга қўшилди орқа ўриндиқда ўтирган оқсоқол.

Суҳбат у томонга ўтиб, ёнимдаги шеригим билан орқа ўриндиқдаги киши ўзаро баҳслаша бошлашди.

...Менинг хаёлим ҳовлимиздаги тоғолчага кетди. Гуллашда бодомдан қолишмасди. Ҳиди яхши бўлгани учун асаларилар ғужғон ўйнарди. Нақ тоғолчанинг тагидаги супада ўтириб, уларнинг гулдан-гулга учиб, бол йиғишини томоша қилардим.

Ёзда қалин барглар орасида бир жуфт булбул у шохдан бу шохга қўниб сайрарди. Гоҳида бири қаёққадир ғойиб бўлиб қолса, нариги фиғон уриб «чириллар»ди. Унинг овозини эшитиб, шериги лип этиб пайдо бўларди, улар яна шохдан шохга сакрашда давом этарди. Булбулларни томоша қилишга қўшни болалар ҳам ишқибоз эдилар. Супага чиқиб олиб, «ана сайраяпти, қара», деб бир-бирига кўрсатишарди.

Дала ҳовлига келган меҳмонлар ҳам булбулнинг овозини эшитиб, унга маҳлиё бўлишарди. Булбул ҳақида ҳар ким билганини гапирарди.

— Домла, тоғолча нега қуриб қолган эди? — ёнимдаги йигит хаёлимни бузди.

— Ҳамма гап шунда-да укам. Бир йил уйи торлик қилган қўшним ҳовлимда қишлаб қолиб, тоғолчанинг тагида идиш-товоқ ювган, қайноқ сув қуйган. Бу дарахт нозик бўларкан, қуриди-қолди.

— Ҳе тавба, нега индамадингиз. Таъзирини бермадингизми?

— Укажон, қўни-қўшни билан сан-манга бориш яхши эмас. Қўшничилик бир йиллик эмас-ку.

Ёшига қараганда анча кекса кўринадиган, соч-соқоли оқариб қолган бир одам ўрнидан тураркан:

— Мен ундай қўшнидан воз кечардим, шалвираган одам экансиз, — деди...

— Бу одам булбулдан айрилганига шунча нола қиляптику, қўшнининг кўнглини оғритадими, — деди бояги оқсоқол.

«Мен нима дейману, қўбизим не дейди» деганларича бор экан. Мен булбулни соғиниб, уни яна боғимга қайтариш ғамида юрсам...

Биров «Булбул қаерда» деса, иккинчи одам «гулзорда» деган экан.

Мен эса мана шу тоғолчани экиб кўкартираман, албатта аввалги тоғолчанинг ўрнига экаман. Булбулларни чунон соғиндимки, аста қўяверасиз...

Юнус ЗИЁДОВ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси парвозларнинг ёзги жадвалига ўтди.

Ўз саёҳатингизни янги жадвал бўйича режалаштиринг!

Ёзги жадвалдаги янги қатновлар:
- Термиз–Москва – жума кунлари,
  Москва–Термиз – шанба кунлари,
- Бухоро–Санкт-Петербург–Бухоро – душанба кунлари.

Қўшимча қатновлар:
- Тошкент–Санкт-Петербург–Тошкент – хафтасига уч марта,
- Самарқанд–Москва–Самарқанд – хафтасига уч марта,
- Самарқанд–Санкт-Петербург–Самарқанд – хафтасига икки марта,
- Наманган–Москва–Наманган – хафтасига икки марта.

Барча қатновлар биринчи, бизнес ва иқтисод классида хизмат кўрсатиладиган «Боинг» русумидаги самолётларда бажарилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» – хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

Маълумот учун телефон: (998 71) 140-02-00

www.uzairways.com

Тошкент–Истанбул–Тошкент йўналиши бўйича бепул багаж меъёри оширилди:
биринчи класс — 50 кг.
бизнес класс — 45 кг.
иқтисод класс — 40 кг.

❖ Интер-спорт

ОЛИМПИЯ МЕДАЛЛАРИ ТАҚДИМОТИ

2008 йил Пекин шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинлари ташкилотчилари ғолибларга бериладиган медаллар тақдимотини ўтказдилар. «Associated Press» хабарларига қараганда, медаллар жами олти мингтага яқин бўлар экан. Медалнинг юзига қадимий грек маъбудаси Никанинг тасвири туширилган бўлиб, унинг ортида енгил атлетика стадиони ҳамда Буюк Хитой девори ўз ифодасини топган.

Вносится изменение в наименование ООО «FEDO MOHAMMAD» на ООО «KNYAZEVA TATYANA» и уменьшение уставного фонда с 50 000$ США на 630 000 сум. **Контактный тел.: 117-42-21.**